ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

__________ А.Умаров.

2020 йил "15" 08

"КЕЛИШИЛДИ"
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

__________

2020 йил "14" 08

Рўйхатга олинди:БД-5110900-2.08

2020 йил "14" 08

# ОИЛА ПЕДАГОГИКАСИ

## ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – гуманитар
Таълим соҳаси: 110000 – педагогика
Таълим йўналиши: 5110900 – педагогика ва психология

| Фан/модул коди | | Ўқув йили | Семестр | ECTS - Кредитлар | |
|---|---|---|---|---|---|
| 01Ped M20010 | | 2020-2021 | 4-5 | 10 | |
| **Фан/модул тури**<br>Мажбурий | | **Таълим тили**<br>Ўзбек/рус | | **Ҳафтадаги дарс соатлари**<br>4-6 | |
| 1. | Фаннинг номи | | Аудитория машғулотлари (соат) | Мустақил таълим(соат) | Жами юклама (соат) |
| | **Оила педагогикаси** | | 150 | 150 | 300 |

2\. I. Фаннинг мазмуни

Фанни ўқитишдан мақсад— бакалавр талабаларни оилавий ҳаёт ҳақида билим бериш ва оилада болаларни тарбиялаш мазмуни, фаннинг ривожланиш тарихи, оила педагогикасининг ижтимоий-иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий асослари, оиланинг вазифалари, турлари, замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятлари, оила тарбиясининг мазмуни, метод, шакл ва воситалари, оилада болалар билан мулоқотнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари, таълим муассасаси, ўқитувчилар, синф (гуруҳ) раҳбарининг оила билан олиб борадиган ишлари шакл, метод ва воситаларини ўргатишдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларни оилада болаларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга ўргатиш: оила. оилада фарзанд тарбияси муаммолари, оилада маънавий муҳит, муомала маданияти масалалари, оилада исломий маънавиятдан қадрият сифатида фойдаланиш, чет элда оила, оилавий муносабатлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари, мустақил оилавий ҳаёт, оила хўжалигини юритишда иқтисодий тарбия , оилавий тарбия жараёнида ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш; оила тарбиясининг ўзига хосликлари билан таништириш; оилада болаларни тарбиялашнинг самарали шакл, метод ва воситаларини танлай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**
**II.I.Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1 Мавзу Оила педагогикаси – фан сифатида**

Оила педагогикаси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Оила педагогикасининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Оила

педагогикасининг илмий-тадқиқот методлари.

**2-мавзу. Чет элда оила педагогикаси фанининг ривожланиши тарихидан**

Қадимги Юнон ва Рим мутафаккирларининг оила тарбияси ҳақидаги қарашлари. Европа Уйғониш даври мутафаккирлари асарларида оила тарбиясининг акс этиши. Ян Амос Коменский оилада тарбиянинг ўрни ҳақида. Маърифатпарвар мутафаккирларнинг оила тарбиясига оид фикрлари. Рус педагогларининг оила педагогикасига оид қарашлари.

**3-мавзу. Ўзбекистонда оила педагогикаси фанининг ривожланиши тарихидан**

Қадимги даврларда Ўрта Осиёда оила тарбиясига оид қарашлар. «Қуръони Карим» ва ҳадислар оила тарбиясининг муҳим манбалари сифатида. Ўрта асрларда оила педагогикасига оид фикрлар. Маърифатпарвар ўзбек педагог-олимлари оила тарбияси хусусида. XX асрда оила тарбиясига доир ёндашувлар ва уларнинг моҳияти. Мустақиллик йилларида оила тарбияси масаласи.

**4-мавзу. Ўзбекистонда оила педагогика фанининг ривожланишининг ижтимоий- иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий асослари**

Оила – мустақиллик йилларида давлат сиёсатидаги устувор масала сифатида. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила масалалариниг ёритилиши. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси.

**5-мавзу. Оила ва унинг вазифалари**

Оила тушунчаси. Оиланинг вазифалари: жамиятга муносабати бўйича оиланинг вазифалари; одамларга муносабати бўйича оиланинг вазифалари.

**6-мавзу. Оиланинг турлари**

Оиланинг тарихий турлари. Ҳозирги вақтда оилаларнинг хилма-хил шакллари. Ўзаро муносабатлар характери бўйича оилаларнинг турлари.

**7-мавзу. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятлари**

Замонавий оилаларнинг ўзига хосликлари. Замонавий оилалар ривожининг ижтимоий хусусиятлари. Замонавий оилалар ривожининг психологик хусусиятлари. Замонавий оилалар ривожининг педагогик хусусиятлари.

**8-мавзу. Оила тарбияси мазмуни ва моҳияти**

Оила тарбияси яхлит тизим сифатида. Оилада ахлоқий тарбия. Оилада болаларни эстетик руҳда тарбиялаш. Оилада жисмоний тарбияни йўлга қўйиш. Оиланинг болаларнинг иқтисодий саводхонлигини оширишдаги ўрни.

| | |
|---|---|
| | **9-мавзу. Оила тарбияси метод, шакл ва воситалари**<br>Оилада болаларни тарбиялаш методлари. Ота-оналарнинг тарбия методларини танлаш ва қўллаш шарт-шароитлари. Оилада болалани тарбиялаш шакллари. Оилада болаларни тарбиялаш воситалари.<br>**10-мавзу. Оилада болалар билан мулоқотни йўлга қўйишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари**<br>Мулоқот тушунчаси. Оилада мулоқот услублари ва уларнинг ўзига хосликлари. Авторитар услуб. Либерал услуб. Демократик услуб. Аномал услуб.<br>**11-мавзу. Таълим муассасаси ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб борадиган иш шакл ва методлари**<br>Таълим муассасаси ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб борадиган ишлари шакл ва методлари ҳақида тушунча. Педагогик лекториялар. Гуруҳлар бўйича педагогик мажбурий таълим. Йиллик якуний илмий-амалий конференсия. Очиқ эшиклар куни. Гуруҳ ота-оналар мажлиси. Педагогик маслаҳат.<br><br>**III. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**<br>**(Лабаратория ишлари). (Семинар машғулотлари). (Курс иши). (Мустақил таълим) ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади.**<br><br>Семинар машғулотларида талабаларда оила педагогикасига доир билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади.<br>Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:<br>1. Чет элда ва Ўзбекистонда оила педагогикаси фанининг ривожланиш тарихидан.<br>2. Диний таълимотларда оила масалалари<br>3. Ўзбекистонда оила педагогика фанининг ривожланишининг ижтимоий- иқтисодий, меъёрий-ҳуқуқий асослари.<br>4. Оила ва унинг вазифалари.<br>5. Оиланинг турлари. Замонавий оилалар ривожининг ўзига хос хусусиятлари.<br>6. Оила тарбияси мазмуни ва мохияти.<br>7. Оила тарбияси метод, шакл ва воситалари.<br>8. Оилада болалар билан мулоқотни йўлга қўйишнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари.<br>9. Абдулло Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асаридаги оилавий тарбияга оид ғоялари |

| | |
|---|---|
| | 10. Абдулло Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асаридаги оилавий муносабатларнинг аҳамияти.<br>11. Ғарбий мамлакатларда оила ва оилада бола тарбиясига муносабат<br>12. Шарқий мамлакатларда оила ва оилада бола тарбиясига муносабат<br>13. Шайх Муҳаммад Юсуфнинг “Оила қўрғони” китобидаги тарбия масалаларининг ёритилиши<br>14. Муҳаммад Қуроновнинг “Болам бахтли бўлсин десангиз” асаридаги бола тарбиясига муносабат.<br>15. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Ижтимоий одоблар” асаридаги ёшларни оилавий ҳаёт ҳақидаги тассаввурларини шакллантириш<br>16. Таълим муассасаси ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб борадиган ишлари шакл ва методлари.<br>Амалий машғулотлар мультемидедия қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.<br><br>**IV.Мустақил таълим ва мустақил ишлар**<br>Мустақил таълим уҳун тавсия этиладиган мавзулар:<br>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг оила ва оила тарбияси тўғрисидаги фикрлари баён этилган асарларини ўрганиш.<br>2. Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки уни бошқариш тартиблари» асарини ўрганиш ва таҳлил этиш.<br>3. Оила тарбиясида кўп учрайдиган хатоликлар ва уларни олдини олиш.<br>4. «Оила тарбияси – бошқариладиган тизим» мавзусида ўн минутлик эссе ёзиш.<br>5. Социологларнинг оила ва оилада бола тарбияси юзасидан ўтказган социологик тадқиқотларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.<br>6. «Оила» илмий-амалий маркази фаолиятини ўрганиш ва аҳамиятини ёритиш.<br>7. Оила тарбияси метод, шакл ва воситаларидан биттадан танлаб олиб, амалий ишланма тузиш.<br>8. Гуруҳ раҳбари сифатида бирор оилага ташриф буюриш ва таасуротларини баён этиш.<br>9. Шарқ мамлакатларида оилавий муносабатлар<br>10. Ғарб мамлакатларида оилавий муносабатлар |

| | |
|---|---|
| | 11. Оилавий шажара (портфолио тузиш)<br>12. Менинг оилам (портфолио тузиш)<br>13. Оилавий анъаналар (портфолио тузиш)<br>14. Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романидаги воқеалар ривожининг таҳлили<br>15. Турсуной Содиқованинг асарлари асосида ёшларни оилавий ҳаёт ҳақидаги тассаввурларини шакллантириш<br>16. Оилада болаларни ҳуқуқий ва сиёсий руҳда тарбиялашнинг шакл, метод ва воситалари<br>17. Оилада болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг шакл, метод ва воситалари<br>18. Ғарбий мамлакатларда оила ва оилада бола тарбиясига муносабат<br>19. Менинг оилам мавзусида портфолио тайёрлаш.<br><br>Талаба мустақил таълимни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади: дарслик ва ўқув қўлланмалар бойича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш, тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш, махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш, масофавий таълим. Мавзулар бўйича эгалланиши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар, муддати ва топшириш шакли айтилади. Кўрсатилган муддатда назарий материал конспекти, реферати кўрилади, тест ёки савол-жавоб ўтказилади. |
| | **V Фан ўқитилишининг натижалари(шаклланадиган компетенсиялар)**<br>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба: оила, оилада фарзанд тарбиясидаги муаммолар, оилада маънавий муҳит, муомала маданияти масалалари, оилада исломий маънавиятдан қадрият сифатида фойдаланишда **тасаввур ва билимга эга бўлиши**; қайнона-келин ўртасидаги муносабатни ташкил этишни, оилавий тарбия жараёнида ижтимоий институтларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишни, оилада ота-она ва фарзандлар бурчининг ўзига хосликларини, фарзандларнинг ота-оналари билан ижобий муносабатларини таъминлаш **кўникмаларига эга бўлиши**; талабаларга мустақил оилавий ҳаёт, оила хўжалигини юритиш усулларини қўллаш, илмий-назарий муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш **малакасига эга бўлиши керак.** |
| **4.** | **VI. Таълим технологиялари ва методлари :**<br>• маърузалар ;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• семинарлар(мантиқий фикрлаш, тезкор савол-жавоблар);<br>• гуруҳларда ишлаш; |

| | |
|---|---|
| | • тақдимотлар қилиш;<br>• индивидуал лойиҳалар;<br>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| 5. | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралик назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш. |
| 6. | **Асосий адабиётлар**<br>1. Мусурмонова О. Оила маънавияти –миллий Ўқув қўлл. Т.: "Ўқитувчи", 1999<br>2. Сафаров О., Маҳкамов М. Оила маънавияти. Услубий қўллан. Т.: "Маънавият", 2009.<br>3. Хасанбойева О. Оила педагогикаси дарслик Т.: "Алокачи, 2007.<br>4. Шоумаров Ғ.Б. ва бошқалар. Оила психологияси. Дарслик Т.: "Шарк" 2008.<br>5. Мухсиева А.Ш. Оила педагогикаси. Ўқув қўлланма. Т.: "ТДПУ", 2017й.<br>**Қўшимча адабиётлар.**<br>6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халкимиз билан бирга қурамиз. Тошкент.: "Ўзбекистон", 2017. – 488 б.<br>7. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017йил, 6-сон,70-модда.<br>8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октабр "Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш консепсиясини тасдиклаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сон Фармони.<br>9. Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М. Педагогика тарихи. Т.: 1996.<br>10. Иномова М. Фарзанд-ниҳол, ота-она боғбон. Т.: 1993.<br>11. Иномова М. Оилада болаларни маънавий-ахлокий тарбиялашда миллий кадриятлар. Т.: 1995.<br>12. "Педагогика" фанидан маърузалар матни.(тузувчи М.Иномова). Т.: ТДПУ 2000.<br>**Ахборот манбаалари**<br>http://уни-вологда.ру |

| | |
|---|---|
| | http://педлиб.ру<br>http:// tdpu.uz<br>http:// pedagog.uz<br>http://ndpu.uz |
| 7. | Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2020 _-йил “14” 08 даги 3 -сонли баённомаси билан маъқулланган.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020_-йил “14” 08 даги 418 -сонли буйруғи биланмаъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган. |
| 8. | **Фан/модул учун маъсуллар :**<br>М.Э.Ахмедова - ТДПУ, “Педагогика ” кафедраси мудири,педагогика фанлари номзоди доцент<br>А.Ш.Мухсиева ТДПУ, “Педагогика ” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди |
| 9. | **Тақризчилар:**<br>- Худойкулов Х.Ж. ЎзМУ “Педагогика ва умумий психология” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори.<br>- Каримова Г.Қ. Тошкент шахар халк таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини оширириш ҳудудий маркази доценти в.в.б., PhD |

кафедра мудири [illegible]

А.Ш. Мухсиева